

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 90-ҳадис

90 – عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «تَسَحَّرُوا فَإِنَّ فِي السُّحُورِ بَرَكََةً». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам:

«Саҳарлик қилинглaр. Чунки саҳарликда барака бордир», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Агар Муслмон киши рўза тутишга рағбат қиладиган бўлса, энди ушбу рўзасини Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам каби саҳарлик қилиш билан амалга оширсин. Чунки саҳар қилиш яҳудий ва насороларга муҳолиф бўлишдир, бу икки диндагилар саҳарлик қилмайдилар. Исломий шахсиятни мустаҳкамлашда уларга муҳолиф бўлиш Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг кўрсатмаларидир. Чунки уларнинг Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам уларнинг Китобларидан ўзлаштириб олиб, Қуръонга киритганлар деган иддао қилишади. Ваҳоланки, у зот саводсиз, оддий, оми инсон бўлганлар. Шу сабабли ҳам муслмонлар ўз ибодат шакллари ва кўринишларида яҳудий ва насронийлар каби аҳли китобларга муҳолиф, яъни уларнинг фарқли ўлароқ, амалга оширишади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Саҳарлик қилиш- рўза тутишдаги набавий суннатдир.
2. Саҳарлик овқатга барака ва танага соғлиқни жалб қилади.
3. Саҳарлик -муслмонлар билан ғайридинлар орасидаги рўзани фарқлайди.
4. Муслмон киши суннатга мувофиқ озгина овқат ёки сув ичиб бўлсада, саҳарлик қилсин.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI